

Бақара сураси, 140-оят

15:10 / 07.12.2017 3805

Ёки «Албатта, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб ва унинг авлоди яҳудий ёки насоро бўлган», - дейсизларми?! «Сизлар билимдонроқми ёки Аллоҳми?» - дегин. Ўз ҳузуридаги Аллоҳдан бўлган гувоҳликни беркитган кимсадан кўра золироқ ким бор?! Ва Аллоҳ қилаётган амалларингиздан гофил эмасдир. Бақара 140.

Яҳудийларнинг «Фақат яҳудий бўлганларгина ҳидоят топади» деган даъволарига ва насронийларнинг «Фақат насронийларгина ҳидоятдадир» деган даъволарига қарши яна битта кучли раддия келяпти. Уларни ожиз қолдирадиган савол бериляпти.

«Ёки: «Албатта, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб ва унинг авлоди яҳудий ёки насоро бўлган», - дейсизларми?! «Сизлар билимдонроқми ёки Аллоҳми?» - дегин».

Хўш, яҳудий ва насронийлар бу саволга нима деб жавоб қиладилар? Улар Иброҳимни, Исмоилни, Исҳоқни, Яъқубни ва асботларни яҳудий ёки насроний, дейин десалар, ҳамма, жумладан, уларнинг ўзлари ҳам яхши билдиларки, «яҳудий» ва «насроний» деган исмлар мазкур набий алайҳиссаломлардан неча замонлар кейин пайдо бўлган.

Агар уларнинг яҳудий ҳам, насроний ҳам бўлмаганларини тан олсалар, унда «Фақат яҳудий ва насронийларгина ҳидоятдалар» деган даъволарини қандай тушуниш мумкин?!

Хуллас, яҳудийлар ҳам, насронийлар ҳам бу саволга жавоб беришдан ожиздирлар. Бу савол қаршисида уларнинг тилларини тишлашдан бошқа чоралари қолмайди.

Аллоҳ таоло худди шу услубда Набий алайҳиссаломга ўргатиб:

«Сизлар билимдонроқми ёки Аллоҳми?» - дегин», - дейди.

Бу савол яҳудий ва насронийларни баттар мот қилади, чунки улар асло «Биз Аллоҳдан кўра билимдонроқмиз», дея олмайдилар. Аксини, яъни «Аллоҳ биздан билимдонроқ», десалар, унда Аллоҳнинг сўзларига ишонишлари шарт: Аллоҳ ўтган барча пайғамбарларни яҳудий демаган,

насроний демаган, балки уларнинг мусулмон бўлганликларини қайта-қайта таъкидлаган. Улар учун тилларини тишлаб, жим қолишдан ўзга чора йўқ.

Сўнгра уларнинг энг катта айбларидан яна бири фош этилади:

«Ўз ҳузуридаги Аллоҳдан бўлган гувоҳликни беркитган кимсадан кўра золимроқ ким бор?!»

Албатта, йўқ. Ҳаммани яратган, ҳамманинг Робби бўлган Аллоҳнинг Ўзи гувоҳликка раво кўрса-ю, у ношукр банда бу гувоҳликни ўрнида адо этмай, беркитса, албатта у энг катта золим бўлади-да. Ўша золимлар кимлар экан ўзи? Улар яҳудий ва насронийлардир. Аллоҳ таоло уларни кўпгина ишларга, жумладан, Муҳаммад алайҳиссаломнинг охирзамон Пайғамбари эканликларига гувоҳлик беришга масъул этган эди. Аммо улар Таврот ва Инжилни бузиб, бу гувоҳликни беркитдилар. Энг золим одамларга айландилар. Ҳолбуки,

«...Аллоҳ қилаётган амалларингиздан ғофил эмасдир».

Ҳа, албатта, Аллоҳ таоло уларнинг қилаётган ишларидан ғофил эмас. У Зот барча нарсани билиб турибди. Вақти келганда ҳисоб-китобини қилади.